



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасига Моноблок ва принтер маҳсулотларини етказиб бериш. Бошлангич сумма: 102 650 000 (бир юз икки миллион олти юз эллик минг сум). Танлов охириги қиймати – 102 650 000 (бир юз икки миллион олти юз эллик минг сум). Шу ваушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ҳамда қуриб чиқилмайди.

- 1.1 Таъминотчи учун қуйиладиган техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.
- 1.2 Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиққан Таъминотчи билан шартнома тузилади.
- 1.3 Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 банк кунигача амал қилади.
- 1.4 Етказиб бериш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. Танлов иштирокчилари

2.1 Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Қарши шаҳар Шайхали қўрғонча

Елек/адрес: ajumayev056@gmail.com

Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. Танлов Иштирокчилари

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар шу мазмунда хизмат курсатишга ихтисослашган қамида 2 йил тажрабага эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади.

-Олинадиган товарларни етказиб бериш.

- Ягона реестрга киритилмаган карздорлиги йук ташкилотлар иштирок этадилар.

1-иловага мувофик жамланма жадвал , товарларнинг кайдномаси хамда асосий нархлар жадвали.

- Кайта ташкил этилиш, тугатиш, ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий карамлиги мавжуд булмаганларга. Икки ёки ундан ортик таъминотчи ташкилотлари биргаликда иштирок этишларига рухсат этилмайди. Изох: Харид иштирокчисининг чегирмаси бошлангич нархга нисбатан ун фоиздан куп булган тақдирда, ушбу иштирокчи харид жараёнидан четлатилади.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz.) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этилишлари лозим.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлик бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади):

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериш мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларининг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлик жавобган бўлади;
- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. Бошка шартлар

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу

танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.


6.2. танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.


6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танловнатижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.


И.Боев




А.Жумаев



М.Музаффаров



М.Тухтамишов



М.Кодиров

